



Ўрта Осиё ўрта асрларда урушларга тўла тарихга эга бўлишига ва майдон тўла хонлар бўлишига карамай яхудийлар Бухоро ва Самарканд ҳудудларида яхши яшаган. Римликлар каби уларни Чингизхон, Хулагу, Чигатой, Темур, Ўзбек, Бобур каби туркий хонлар хорламаган ва ҳайда-маган. Улардан олдин Хоразм шохлари ҳам ва улардан олдингилар ҳам... Лекин, бу ерда биз Темурланг давридаги яхудийлар ҳолатини зикр қилиб ўтиш билан чекланамиз. Чунки Бухородаги яхудийларнинг кейинчалик ривожланишига сабаб бўлган ўтмиш унинг давридан кейин содир бўла бошлаган.

Темурланг жуда айёр бир саркарда, қахри кирон асли мўғил-хонларидан бўлган. У - уч йиллик, кейин беш йиллик ва етти йиллик ҳарбий юришларида оламдаги жўгрофий сиёсатга катта таъсир ўтказиб қўплаб мусулмон султон ва амирларга қахр қилган, шунинг учун уни баъзилар Соҳиби Кирон, деб номлаганлар, у қўп халкларнинг яшаш-турмушига урушлари билан танаффус берган. Темур - яхудийлар наздида тарихидаги қаҳрамонлардан, деб ёдга олинади, хусусан бухорлик субётник яхудийлар шақиллана бошлаган давр унинг замонидан бошланган. Мутахассис яху-дий тарихчиси Михаил Штереншис, бир неча яхудийларга тегишли та-рихий асарлар муаллифи, хоссатан унинг илк ишларидан «Ўрта Осиёда-ги яхудийлар» ҳақидаги асари бўлган, жумладан у ўзининг «Темурланг ва яхудийлар» китобида асосан XXV-XV асрлар ўтмишини жуда диққат билан таҳқиқ қилиб маълумотлар берган. У китобнинг кириш қисмида қуйидагиларни айтади: «Яхудийлар исломий Осиёда - Куръонга кўра мусулмонлар амирининг соясида зиммийлар ҳукуки билан яшаб ўтган. Ислом қарашида яхудийларга нисбатан диний сабабларга кўра таъқиқ қилиш, фикрларини ман қилиш, зўрлаш каби қийноқлардан улар сакланган эди. Ҳақиқатдан, ўрта асрларда яхудийларнинг ҳолати исломий шарқда, ғарбий насронийликдан кўра анча яхши бўлган. Бизга Осиёда яхудийлар аҳолиси қанча эканлиги номаълум бўлса-да, лекин яхудийлар Осиёнинг деярли ҳар ерида Русиядан тортиб то Хиндистонгача, Хитойдан то Мисргача

бўлган масканларда яхши яшаган, деб биламиз» (Михаил Штереншис, «Темурланг ва яхудийлар», 53) - дея хулоса берган.

Яна шундай дейди: «Яхудийлар ўз анъана ва одатларига кўра ўзларидаги сохаларини саклаб келиб унда давомий яшаганлар, улар: савдогар, табиблик, таржимон ва элчилик билан шугулланган. Бунга мисол мил. 1402 йилда Исаак, деган бир яхудий, Темур тарафидан Константуния -Истанбул бошлиги Франсискога элчи ўларок мактуб билан юборилган. Мактубида: Биринчи Боязидга карши урушда бирикишни таклиф килган, эди, Темур ўша вақт Боязид билан уруш қилиш арафасида эди. Умуман олганда Темур насроний бошликлар билан алоқа қурмокчи бўлганда яхудийларни қўллашга ҳаракат қилган».(«Темурланг ва яхудийлар», 78) Яна айтадики: «Темурнинг бошқарувидаги даврни Ўрта Осиёлик яхудийлар учун олтин бир давр, деб ҳисобласак ҳам бўлади, уларнинг адади икки бараварга кўпайган эди», дейди.(«Темурланг ва яхудийлар», 79) Яна ушбу китобда муаллиф алоҳида бир бобни Даниёл(Даниёл: Мусулмонлар у кишини Даниёл, ўзбек тилида Дониёр, деб ҳам номлайди. Исломда аниқ у кишининг пайгамбарлиги ҳақида саҳиҳ маълумот йўқ, лекин модомики у киши пайгамбар бўлган бўлса тан оламиз, аҳли китоблар уни пайгамбар дейди, биз мусулмонлар яхудий ва насоролар каби Аллохнинг пайгамбарларини ажратмаймиз, барчасига салоту салом бўлсин) пайгамбарга бағишлаган экан, унда айтишича: «Темур форслар ерига юриш қилганда, у ердан Даниёл - Дониёр пайгамбарнинг қабрини-жасадини (Бу амри маҳол иш, Бани Исроил бобида Даниёл алайхиссалом ҳақида қабри номаълум қолганини айтиб ўтдик, 187 саҳифада. Ундан ташқари: «Ер юзида одамлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабридан бошқа пайгамбарнинг қабри: будир, деб иттифок қилмаган. Халил алайхиссаломнинг ва бошқалар қабрида эса ихтилоф қилганлар». (Аҳмад ибн Абдулҳалим, «Фатаво», 27/116).) Ироқдан Самарқандга кўчириб келиб унга макбара қурган. Бухоролик яхудийлар учун бу катта шахсиятга эга кишини улуглаш эди, яхудийлар айтишича Дониёр пайгамбар Самарқандни жуда гўзал юртлиги ҳақида гапирган, деб унинг қулогига етказган эди». («Темурланг ва яхудийлар», 84) Яна бир масала муаллиф китобда Темурнинг юришлари ҳақида таҳлил қила туриб оксоқ Амир нега Дамашқни олган-у, лекин Қуддусни олмаган, улар орасида масофа яқин эди? - деган масалага эътибор қаратган: «Сабаб ўларок шундай тўхтамга келамиз, у даврда уч дин эгаларига тегишли бўлган муқаддас шаҳар Қуддус - мамлукийлар салтанатига дохил эди, улар Темурга Сурияда енгилиб йиллик жия тўлашга рози бўлиб таслим бўлган эди, Темурга бу маъкул келганидан кейин ўз қўшинини Усманийларга яъни Боязидга қарши буриб қетган. Темурнинг Фаластиндаги юришлари шуни кўрсатади-ки, Темур жангчи қаторида жуда тажрибали эди, чунки Қуддус у кишини на ҳарбий ва на стратегик тарафдан қизиқтирмаган».(«Темурланг ва яхудийлар», 94) Яъни муқаддас шаҳарга теғмаган, деган ҳулосани ифода қилмокчи бўлиб Темурни чиндан мохир жангчи ва уруш фанида мўғиллар тарикатида эканини эътироф қилган. Лекин, у муборак Шомда минглаб мусулмонларни қириб юборган эди, Хиндистондаги Дели салтанатидаги мусулмонлар қатлиоми тилларда дoston бўлган. Бирок Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мусулмоннинг ўлдирилишидан Қаъбани, ёки дунёни вайрон бўлишини ҳам енгилроқ кўрган эди...

Михаил Штереншис китобида яна шундай деган: «яхудийлар ҳам бошқа одамлар каби, ўзлари билан ички низо қиладиган кичик давлатлардан кўра, мўътадилликни-мувозанатни саклаб турадиган улкан давлатларда яхши яшаган. Темур ўз империясини қуриб, марказий Осиёни мўғиллардан тозалаб, Мавароуннаҳрда -

Трансоксанияда форс тараккиётида етишган халкларни жамлашга эришган. Ўрта Осиёдаги яхудийлар мана бу маънавий озукани хазм қилиб ва ўз урфлари, маданияти ва тилини саклаб келган, ҳатто бугунги кунгача». («Темурланг ва яхудийлар», 115)

Яхудийлар нафакат Темур даврида яхши яшаган, балки барча мусулмонлар ҳукм қилган даврларда уларнинг ичида яхши яшаган эди. Мулоҳазаларимга кўра: Яхудийлар самовий илмга эга бўлган халқ бўлгани учун, сургун бўлган даврларида кўчиб тарқалганда форслар ва мўғиллар каби халқларга йўлиқар экан, уларда яхудийларга нисбатан самовий хабар, вахий илмлари, очик баёнотлар, айрим башоратлар йўқ бўлгани учун, яхудийлар қолганлардан бир-неча қадам олдинда бўлиб режа туза олишга ва силлиқ муомала қилиб қиришиб кетиш хусусиятга эга эди. (Аҳмад ибн Абдулҳалим раҳимахуллох айтиди: «Хинд, Юнон ва Форслар бу борада Турк, Варвар ва уларга ўхшаганлардан анча етишганроқ. Эътибор жихатдан маълумки китоби борлар китоби йўқ кишилардан қомилроқ бўлади. Чунки ақлий, илохий ва бошқа йўлларнинг барча тўғри йўлида; аҳли китоблар шерик бўлган, улар пайгамбарлардан олган илмлар ва амаллар билан ажралиб қолди, бу нарсаси ахлоқ ва сиёсатларда очик билинган». («Мухтасар ал-Жавобус саҳих лиман баддала динал Масих», 13-14)) Форслар шиаликка берилган, илгари эса оташпараст, мўғиллар кўкка сугинувчи эди ва иккала халқ ҳам урф ва қавмчиликка берилган жаҳолат аҳли бўлган, қолаверса ўз одатларига ўралашиб қолганлардан эди. Аввалги қисмларда Оссурийлар яхудийларни енгиб қўйгандан кейин уларнинг китобидан давлат бошқарувида фойдаланганлари ҳақида ҳам айтиб ўтдик. Шу каби Чингизхон ҳам дунёни забт қилар экан ортидан хонлик-давлати бошқарилиши учун авлодларига «Ясоқ» номли китоб қолдирган эди. Унда асосан Таврот, Инжил, Қуръон ва ўзининг хоҳшига, мўғиллардаги одатларга кўра ёзилган қонуний қонунлар бор эди. Шу каби Темур ҳам аҳли китоблардан фойдаланган эди, турк ва мўғилларни ўзи билан тенг қўргани учун уларни эзиб ўтди, форсларнинг қадимдан давлат қўргани ва уларнинг тараккиётдан таъсирланган Темур улардаги маданият ва санъат каби ишларни ҳамда диний қарашда шиалик, макбара қўруш каби тушунчаларни Мавароуннаҳрда ривожлантириш учун олиб келган. Бухоро ва Самарқандда яхудийлар асосан ҳунармандлар бўлгани маълумдир, зарғар, дурадгор, тери ошлаш, темирчилик ва ҳоказо...

"ФАЛАСТИН ўтмиш ва келажак" китобидан